Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 161 (21. 260) 1992 йил 15 август, шанба ●

ОБУНАЧИГА — 1 СЎМ 50 ТИЙИН
СОТУВДА — КЕЛИШИЛГАН НАРХДА

1 СЕНТЯБРЬ·

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

КУН ТАРТИБИДА— ОРОЛ ДАРДИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими Орол денгизини асрашга бағишланган жаҳон илмий анжуманига пухта тайёрланмоқда.

Қорақалпоғистон олимлари Орол денгизининг буткул қуриб қолмаслиги олдини олиш борасида концепцияга эга. Эндиги масала Ўрта Осиё республикалари олимлари ҳамда чет эллик мутахассисларга шу қарашларни илмий асослаб беришдан иборат. **(ЎзА мухбири).**





Республикамиз пойтахти Мустақиллик байрамига муносиб ҳозирланмоқда.
Тошкент. Шаҳар маркази.
Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

• *Ўзбекистон—Покистон:*

ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШИМИЗГА ИШОНАМИЗ

«Ўзбекистон — Покистон» жамияти икки давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан собитқадамлик билан иш олиб бормоқда. Республика Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги унинг жамоа аъзоси ҳисобланади. Бу ерда мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг яхши истиқболлари бор деб ҳисоблайдилар.

Покистон савдо-саноат доираларининг намояндалари вазирликка бир неча бор меҳмон бўлиб келдилар. Амалий ҳамкорлик тўғрисида гап борди. Иккала томон ҳозир тақчил бўлиб турган иссиқлик ва электр изоляторлари каби материалларни ишлаб чиқарадиган қўшма корхона барпо этиш муддаосини айтди. Ўзбекистонда бундай материалларни тайёрлаш учун зарур хом ашё етарли.

— Ислом Каримовнинг Покистонга ташрифи ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун янги имкониятлар очади, — деди вазирликнинг халқаро ҳамкорлик шўъбаси раҳбари М. Ҳидоятов. — Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг дўст давлатга ташрифи туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик янада ривожланади.

(ЎзА мухбири).

ТУРКИЯЛИКЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Элликқалъа районида Туркиянинг Язекс фирмаси билан ҳамкорликда барпо этиладиган тўқимачилик корхонасининг пойдевор тоши қўйилди. 18 миллион долларга тушадиган бу қурилишни Амударё, Тўрткўл, Беруний ва Элликқалъа районлари акционерлик жамиятлари маблағ билан таъминлайди. Уни «Узагрострой» бирлашмасига қарашли трестлар қуради. Жаҳон талабларига жавоб берадиган дастлабки маҳсулот келаси йил ёзида чиқарилади. Бир ярим минг аҳоли иш билан таъминланади.

(ЎзА мухбири).

• *Бугун—Ҳиндистон мустақиллиги куни*

Ҳиндистон Республикасининг Президенти Ш. Д. ШАРМА жаноби олийларига Ҳиндистон Республикасининг Бош вазири П. В. НАРАСИМХА Рао жаноби олийларига

Президент жаноби олийлари!
Бош вазир жаноби олийлари!

Ҳиндистон мустақиллигининг 45 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг халқи ва ҳукумати номидан самимий табриклайман. Шу вақт ичида мустақил Ҳиндистон Республикаси ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт ишида катта ютуқларга эришди, тинчликсевар сиёсатга амал қилиб, халқаро майдонда катта обрў қозонди.

Дўст халқ ҳаётидаги бу шонли байрам бу йил ўз мустақиллигининг бир йиллигини нишонлайдиган ўзбек халқига, айниқса, тушунарли ва яқиндир.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар азалий анъаналарга эга бўлиб, алоқаларимиз икки халқ бахт-саодати йўлида йил сайин мустаҳкамланмоқда.

Ишончимиз комилки, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик 1991 йилнинг августида Деҳли шаҳрида эришилган аҳдномаларнинг мустаҳкам негизида бундан буён ҳам ривожланаверади.

Муҳтарам Президент жаноблари, Бош вазир жаноблари!

Самимий дўстлик ва ҳурмат туйғуларимизни, буюк ҳинд халқига тинчлик ва фаровонлик тилаб билдирган истакларимизни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром билан

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикасининг Президенти.

ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Ҳиндистон мустақиллигининг 45 йиллиги муносабати билан Тошкентда шаҳар жамоатчилигининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда «Ўзбекистон—Ҳиндистон» жамиятининг раиси, республика қурилиш вазири К. Маҳамадалиев маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққан кишилар икки давлат ўртасида мустаҳкамланиб бораётган алоқалар тўғрисида кўпгина яхши гапларни айтдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ҳиндистонга ўтган йилги ташрифи яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш учун қудратли омил бўлди. Эндиликда фақат савдо-иқтисодий алоқалар эмас, балки маданий алоқалар ҳам мустаҳкамланмоқда.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистонга ташриф буюрган Ҳиндистон молия вазирининг биринчи ўринбосари Аҳлу Валия, Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги ишлар вакили Ашок Мукержи иштирок этдилар.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА ТАРИХ АКСИ

Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси кўргазма залида очилган экспозицияга жонажон ўлка тарихи мавзу бўлди деб ёзади Ўзбекистон ахборот агентлиги мухбири А. Иванова. Экспозицияга республикада мўйқалам санъатининг асосчиларидан бўлган таниқли рассомларнинг 200 дан ортиқ асари қўйилган. Бу санъаткорларнинг ижоди Ўзбекистондан ташқарида ҳам машҳур. К. К. Богодухов, Т. О. Оганесов, В. И. Седов, Ҳ. Раҳмонов, В. А. Попов, К. Носиров, Г. Р. Шевяков асарлари кўпгина мамлакатларнинг музейларини безаб турибди.

Илгари санъатсеварлар кенг доирасига маълум бўлмаган асарлар экспозициядан жой олган. Улар рассомларнинг қариндош-уруғлари ва меросхўрлари томонидан кўргазма комитети ихтиёрига устахоналардан олиб келтирилган. Суратлар оғир ва бахтли тақдирида ватан тарихи акс этган оддий кишилар ҳақида ҳикоя қилади. Унда хилма-хил, шу жумладан мунгли саҳифалар ҳам оз эмас, бироқ бу саҳифалар ҳамиша яхшилик ва адолат ғалаба қилишига ишонч туғдирган, энг оғир вазиятларга бардош бериш ҳамда ҳаётни севишга даъват этган.

Бу ерга қўйилган суратлар Ўзбекистон табиатининг гўзаллиги ҳақида ҳам ҳикоя қилади.

Кўргазма бизнинг кунларимизгача етиб келмаган таниқли рассомлар хотирасига ҳурматдир. Ташкилотчилар кўргазмани Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллигига бағишлашган.

(ЎзА).

«КИЧКИНТОЙ» ТАРАДДУДИ

Хоразм вилоятининг «Дружба» шаҳрида қад ростлаётган агрегат заводи филиали мутахассислари кичкинтойларни хурсанд қилишадиган бўлишди. Улар оддий велосипед конструкциясини пухта ўрганиб, болаларбоп уч ғилдиракли велосипедчалар ясаб чиқаришга қарор қилишди.

Болалар велосипедчасига «Кичкинтой» деб ном қўйишди. Унга тегишли қисм ва мурватлар филиалнинг ўзида тайёрланади ва йиғилади. Айтишларича, уч ғилдиракли велосипедча бежирим, енгилгина бошқарилади.

«Кичкинтой»нинг тажриба нусхаси тайёрланди. Яқин кунларда уни кўплаб ишлаб чиқаришга киришилади.

Э. МАДРАҲИМОВ.

МУСАВВИРНИНГ БАЙРАМГА ТУҲФАСИ

Беруунийлик ҳаваскор мусаввир Саҳи Жонаҳмедов Ўзбекистон Мустақиллигининг бир йиллигига бағишлаб салкам ўттиз йиллик фаолияти давомида яратган асарлари кўргазмасини ташкил этяпти. Кўргазма учун шаҳар марказидаги санъат саройининг кенг хоналаридан бири ажратиб берилди. Бу ерга икки юзта сурат қўйилади. Тушган пул ҳайрия тадбирларига сарфланади.

(ЎзА).

АФҒОНИСТОН: ДИПЛОМАТИЯ КОРПУСИДАГИ ЖУДОЛИК

ХОРИЖИЙ АГЕНТЛИКЛАРНИНГ ХАБАРЛАРИДАН

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Афғонистон ҳукуматини Кобулдаги хорижий ваколатхоналар ходимларининг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чораларни кўришга даъват этди. Бу ердаги кенг кўламдаги жанглар анчагина вайронгарчиликка ва одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келди. Хавфсизлик Кенгашида унинг раиси Ли Даою (Хитой) 12 август куни берган баёнотда шу ҳақда гапирилади. Ли Даою можарода қатнашаётган томонларга мурожаат қилиб жанговар ҳаракатларни дарҳол тўхтатишни ҳамда хорижий шахсларни хавф-хатарсиз кўчириш учун зарур шарт-шароит яратишни талаб қилди.

Россия Федерацияси элчихонаси ҳам Гулбиддин Ҳикматёр билан ҳукумат қўшинлари жанговар ҳаракатлари марказида қолди. Россиянинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Юрий Воронцов матбуот учун берган баёнотда 11 август куни Россия элчихонаси ҳудудида бир нечта снаряд портлагани, эртаси куни эса элчихона ходимларидан биттаси ўлдирилгани ва иккитаси жароҳатланганн айтилади.

Хавфсизлик Кенгаши аъзолари Россиянинг Афғонистондаги дипломатия ваколатхонаси ходимларидан бири ҳалок бўлгани муносабати билан таъзия изҳор этдилар ва элчихона ходимларини хавф-хатарсиз кўчириш учун ўт очишни дарҳол тўхтатиш ҳақидаги талабни якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги.

ДАВР СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК

Ўзбек ва ҳинд халқлари ҳамиша бир-бирларига ҳайрихоҳ бўлиб келганлар. Маданиятларнинг, анъаналарнинг ўхшашлиги, кўп асрлик тарих — буларнинг ҳаммаси тараққиётнинг ҳозирги босқичида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш учун яхши негиздир.

Ҳиндистон 15 августда ўз миллий байрами — Мустақиллик кунини нишонлайди. 1947 йил 15 август куни машҳур Қизил қалъа устида Ҳиндистон байроғи кўтарилди ва мустақиллик тўғрисидаги қонун кучга кирди.

Бу мамлакатнинг тарихи бизни нимаси билан қизиқтиради, икки мустақил мамлакат ўртасидаги амалий муносабатлар қандай? Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбирининг шу саволларига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг ходими Ш. Гузаиров жавоб беради.

— Ўтган 45 йил ичида Ҳиндистон иқтисодиётда яхши ютуқларга эришди. Бу ерда саноат ишлаб чиқаришнинг етарли даражада қудратли ёрдамчи соҳалари пайдо бўлди. Қайта ишлаш ва машинасозлик тармоқлари самарали иш олиб бормоқда. Улар мамлакатда етиштирилган хом ашёни қайта ишлаб бермоқда ва машина-ускуналар билан таъминланмоқда. Нефть қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш фаол давом этмоқда. Иссиқлик электр станциялари маҳаллий кўмир билан ишлайди. Кенг миқёсли саноатнинг барпо этилиши Ҳиндистоннинг саноати ривожланган давлатлар сафидан жой олишига имкон берди.

Бир вақтлар қолоқ мустамлака мамлакат ҳисобланган Ҳиндистон нималар ҳисобига бундай юксалди? Бунинг сабаблари бир нечта. Мамлакатда бевосита инсон манфаатларига хизмат қиладиган саноат тармоқлари жадал ривожлантирилди. Бу ерда ғарбдан сотиб олинган технологиялар асосида холодильниклар, кир ювиш машиналари, радио ва телевизион аппаратлар ишлаб чиқарила бошланди. Мамлакат бозорларида бундай ва бошқа моллар етарли.

Бироқ Ҳиндистон иқтисодиётида муаммолар йўқ, дейиш нотўғри бўлур эди. Ҳозир бу мамлакатда ҳам ислоҳот ўтказилмоқда. Давлат сектори ва хусусий сектор турли тақиқлашлар ва чеклашлардан ҳоли қилинмоқда. Ишлаб чиқаришнинг сифат кўрсаткичлари эмас, балки самарадорлиги биринчи ўринга қўйилмоқда.

Ўзбекистон мустақил бўлганидан сўнг икки дўст мамлакат ўртасидаги алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Ҳиндистонга ташрифи бу муносабатларни ривожлантириш учун қудратли туртки бўлди. Иқтисодий алоқалар тўғрисида гапирадиган бўлсак, улар икки давлат ўртасидаги савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага асосланади.

Ўзбекистон Ҳиндистонга пахта толаси, карбамид, мис ва бошқа кўплаб маҳсулотлар етказиб беради. Дўст мамлакатдан бизга цемент ишлаб чиқарадиган кичик заводлар, чой, зираворлар, дори-дармонлар келтирилмоқда. Айни пайтда қўшма корхоналар барпо этилмоқда. Улардан иккитаси — «Юнитехинтернешнл» ва «Совиндэлектроник» жаҳон бозорига ўз маҳсулотларини чиқармоқда.

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик давр синовидан ўтди. Алоқалар эса кун сайин ривожланмоқда.

ҲАР КИМ ЎЗ ҲАҚИНИ ОҚЛАБ ОЛСИН

ЖИЗЗАХ ШАҲАР МАТБУОТ ТАРҚАТИШ АГЕНТЛИГИ ВА АЛОҚА БЎЛИМИ ХОДИМЛАРИ АЙБИ БИЛАН МУШТАРИЙЛАР «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИ ОЛОЛМАЯПТИЛАР

«Ўзбекистон овози»нинг Жиззах шаҳридаги қабулхонасига ташриф буюрган устки трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотининг котиби С. Қорабоева ишчи-хизматчиларнинг газета ва журналларни вақтида тўлиқ ололмаётганлигидан нолиб гапирди:

«Ўзбекистон овози» газетасига йилнинг иккинчи ярми учун қайтадан 15 нусхада обуна бўлгандик. Аммо август ойининг ўн куни ўтибдики, ҳалигача алоқа ходимлари газетани келтирай дейиб майди. Сурштирсак, обуначинг расмийлаштирилмаганлигини деб қолишади. Шаҳар матбуот тарқатиш агентлигига пул тўлаб, патта олганимиз қонуний эмасми? — дейди котиба ҳуноб бўлиб.

Маълум бўлишича, бирлашма жамоасидагилар бу ҳақда Жиззах шаҳар матбуот тарқатиш агентлиги бошлиғи З. Деҳқоновага ва вилоят матбуот тарқатиш агентлигининг масъул ходимларига бир неча бор мурожаат этишган. Лекин улар ҳар гал «Текшириб кўрамиз», «Камчиликларни тузатамиз» деб ваъда беришдан нарига ўтишмаган.

Котибанинг куйинганича бор. Обуна мавсумининг пала-партиш ташкил этилгани, матбуот тарқатиш агентлиги билан алоқачилар хизмати ўртасидаги номутаносблик уларга «бешикда теккан касал». Узоққа бормай яна улар фаолиятидан шикоят қилаётган кишилар арзидан бир чимдим мисол келтирайлик. ХДП вилоят кенгаши ходимларидан 20 нафарга яқини «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарини июль ойидан ола бошлашлари керак эди. Аммо иш жойига ёзилган ходимлардан бирортаси ҳам ҳалигача газетанинг бирор сонини ҳам ўқий олишмади.

Яна бир мисол: шаҳарнинг 14-алоқа бўлимига «Ўзбекистон овози» учун обуна бўлган кишиларнинг карточкаси август ойигача етиб бормабди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу ерда ҳақли савол туғилади: хўш агентликларнинг алоқа тармоқларидаги обунага бевосита мутасадди ходимлари қайси хизматлари учун ҳақ олишяпти? Балки улар обунани «яхши уюштирганликлари» учун мукофотдан ҳам қуруқ қолишмаётгандир? Нима бўлганда ҳам ҳозирги иқтисодий танглик жараёнида обуначиларни ранжитиш, улар ҳақига хиёнат қилиш инсофдан эмас. Ахир оддий ишчилар, идора хизматчилари онла ризқидан қийиб ўзлари севган газета учун обуна пули тўлашган-ку. Қолаверса, кимдир ишлаб-ишламайдиган киоскалар хизматидан безор бўлганидан, бошқа бировлар эса обуна баҳосининг савдодагидан 40—50 тийин арзонлигини фойда билиб, газетага ёзилишган. Алоқачи ва агентлик ходимлари уларни тўғри тушуниш ва қадрлаш ўрнига хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараб, кишиларнинг қонуний ҳуқуқларини оёқости қилишаяпти. Бундай воқеалар 1993 йил учун газета ва журналларга обуна бошланган айни долзарб паллада содир бўлаётгани ташвишланарлидир.

Биз яна шуни ҳам эслатмоқчимизки, алоқа бўлимига обуна учун борган кишиларни очиқ чеҳра билан кутиб олиш ана шу ходимларнинг касб бурчига ҳам киради. Афсуски, жойларда бунинг акси бўляпти. Бунинг устига обуна республика матбуот тарқатиш маркази реклама қилаётганидек барча алоқа бўлимларида ҳам ташкил этилмаган. Муштарийлар Жиззахда бўлаётган ўзибўларчилик ва бошбошдоқликлар мавсум бошидаёқ барҳам топишини тилашяпти.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳозир барча матбуотсига келгуси йил учун обуна қабул қилиш масъулиятли бўлган шу кунларда Жиззах бўлими ходимларининг ўз хизмат вазифасига қабул қилишни намунали уюштириш учун зуд деб ишонамиз. Биз шунингдек кези келганда мурожаат қилмоқчимиз: Сизларда аҳвол тида олиб борилмоқда. Келгуси йил учун обунатиш агентликлари ва алоқа бўлимлари ходимлари сизларга хайрихоҳлик билдиришяптими? Шу ҳақда, ёзиб юборишингизни турлари сингари «Ўзбекистон овози» рўзномасига давом этяпти. Рўзномамиз тақдири учун ғоят шаҳар матбуот тарқатиш агентлиги ва алоқа бу қадар совуққонлик билан қараётгани, газетамизни ўз ўқувчиларига вақтида етказиб бермаётгани ғоят ташвишланарли ҳолдир. Республика Алоқа вазирлиги раҳбариятининг ўзлари ёзилган рўзномани вақтида ўқиш ҳукуқ воқеасининг олдини олиш, газетхоларни таъминлаш ҳамда келгуси йилга обуна қабул қилишини таъминлаш учун зуд лиг билан зарур чора-тадбирларни кўради, деб ишонамиз. Биз шунингдек кези келганда фойдаланиб, барча муштарийларимизга мурожаат қилмоқчимиз: Сизларда аҳвол қандай? «Ўзбекистон овози» рўзномасини вақтида олиб борилмоқда ва расмийлаштираётганингизда матбуот тарқатиш агентликлари ва алоқа бўлимлари ходимлари сизларга хайрихоҳлик билдиришяптими? Шу ҳақда, ёзиб юборишингизни илтимос қиламиз.

ХДП ҳаётидан

УЧРАШУВЛАР, СУҲБАТЛАР

Республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги сингари Наманганда ҳам жумҳурият мустақиллигининг бир йиллигини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди. Шаҳар ва қишлоқлар ободонлаштириляпти. Меҳнат жамоаларида қарор топаётган кўтаринкилик эртанги кунга бўлган ишончни мустаҳкамламоқда.

Ана шундай бир даврда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши яна бир савобли ишга қўл урди. У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда айём олдидан жойларда учрашувлар ўтказяпти. Яқинда ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби М. Қирғизбоев бошчилигида И. Раҳим, Х. Тўхтабоев, Х. Шарипов, Ж. Жаббаров, М. Мирзаевлардан иборат таниқли ёзувчи ва шоирлар гуруҳи Наманганга келди. Шу куни улар Намангандаги аврли газламалар комбинати жамоаси билан учрашдилар. М. Қирғизбоев республикада улуғ айёмга тайёргарликнинг бориши ҳақида гапириб берди. Ёзувчи Иброҳим Раҳим сўзга чиқиб, мустақиллик туфайли маданиятимизнинг ҳамда қадриятларимизнинг эркин ривожланиб бораётгани тўғрисида фикр ва мулоҳазаларини билдирди. Ёзувчи ва шоирлар ўзларининг янги асарларидан ўқиб бердилар. Бундай учрашувлар шунингдек, Наманган районидаги «Коммунизм», Тўрақўрғон районидаги «Намуна» жамоа хўжаликлари, Чуст шаҳридаги бадиий буюмлар фабрикасида ҳам бўлиб ўтди.

Бу учрашувларда Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши биринчи котиби Б. Аҳадов, ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Абдулла Жалил қатнашдилар.

Ушбу учрашувлар пайтида ХДП аъзоларига партия билетлари ҳам топширилди.

Ф. ИУЛЧИЕВ,
«Ўзбекистон овози» жамоатчи мухбири.

«МУЛОҚОТ»ДА МУЛОҚОТЛАР

Қарши район партия кенгаши қошидаги «Мулоқот» клубида ХДПнинг Дастури ва Низоми доирасида суҳбатлар бўлмоқда. Машғулотларда шунингдек, мустақил Ўзбекистон тарихини ўрганиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Клуб фаоллари жойларга чиқиб, ишчи ва колхозчилар билан ХДП фаолияти ҳақида суҳбатлар ҳам ўтказмоқдалар. Яқинда «Ўзбекистон» давлат хўжалигида ана шундай суҳбат бўлиб ўтди. «Мулоқот» машғулотларини район партия кенгаши биринчи котиби М. Ғелдиева олиб бораётир.

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ

Қамаши район партия кенгаши ижроия бюроси ташаббуси билан тажриба тариқасида Ойбек номли мактабга мустақиллик берилди. Бундан икки йил олдин район халқ таълими бўлими бу мактабга ўзини ўзи назорат этиш ҳуқуқини берганди. Самара яхши бўлди. Чунончи, мактабда таълим-тарбия ишлари, маънавий муҳит яхшиланди. Мустақиллик мактабнинг молиявий ишларига ҳам ижобий ёрдам кўрсатди. Устахона ва цехлар очилиб, тажриба участкалари ташкил этилади. Бу эса ўқувчи ёшларни касбга йўналтиришда муҳим аҳамиятга эга.

М. КАРОМОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЙЎРИҚЧИЛАР КЕНГАШИ

● Партия ишининг муваффақияти унинг Дастури ва Низомига тўла-тўкис, оғишмай риоя қилиш, талаб ва йўл-йўриқларини ҳаётга оқилона тадбиқ қилишга боғлиқдир. Бу муҳим ишда район, шаҳар ҳамда вилоят партия кенгашларининг йўриқчи-тарғиботчилари етакчи рол ўйнашади. Шу жиҳатдан ХДП Урганч шаҳар кенгаши йўриқчи-тарғиботчилар семинарини ўтказиб, хайрли иш қилди.

Семинар иштирокчилари ХДП шаҳар кенгаши биринчи котиби Б. Бобожоновнинг «Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастури ва Низоми — партиянинг бош ҳужжатлари», Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув олий илмгоҳи профессори З. Солиҳовнинг «Жумҳуриятимизни иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг хусусиятлари», вилоят кенгаши котиби Э. Ҳакимовнинг «Парламент услубида ишлаш шароитида ХДП фаолияти, унинг бошқа сиёсий партиялар ҳамда жамоат ҳаракатлари билан ўзаро алоқаси» мавзуларидаги маърузаларини тинглашди.

Урганч шаҳар ҳокими муовини Ж. Салимовнинг вилоят марказининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, етилган муаммоларни ечиш йўллари ҳақидаги маърузаси ҳам тингловчиларда яхши таассурот қолдирди.

Йўриқчи-тарғиботчилар семинарда ўзаро тажриба алмашдилар, бозор иқтисодиёти шароити билан боғлиқ муҳим вазифаларни белгилаб олдилар. Семинар ишида Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ғ. Машарипов сўзга чиқди.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *Яйлов муаммолари*

ТОМДИНИНГ БАРДОШЛИ ОДАМЛАРИ

ДАРД БОР, ДАРМОН БЎЛАДИМИ?

● Томдибулоққа қайтганимизда Темирбек Санғизбоев билан район партия кенгашининг биринчи котиби Зейнулла Еспенбетов узоқ яқин хўжаликлардан партия ташкилотлари котибларини чақириб, режалаштирилган «Давра суҳбати»ни ўтказиш тараддудини кўришаётган экан.

—Шу суҳбатни режалаштирганимизга кўп бўлди. Вақти-соати шу бугун экан, сизлар ҳам қатнашасизлар-да, — деди З. Еспенбетов.

Гарчи суҳбат мавзуи ғоят кенг, унга ХДП ташкилотлари фаолиятини яхшилаш масаласи ҳам киритилган бўлсада, кўп ўтмай у белгиланган чегарадан чиқиб, чўпонлар ҳаёти, қўйчивонлик соҳаси билан боғлиқ кўпдан-кўп муаммоларни қамраб олди. Суҳбат қатнашчилари соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни, район, хўжалик миқёсида ечилиши қийин бўлаётган масалаларни битта-биттадан санаб ўтишди. Шу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Биз ҳам чўпонларни кўпроқ ўйлантириб қўяётган, уларнинг турмушига салбий таъсир кўрсатаётган ана шу масалаларни ён дафтаримизга қайд этиб қўйдик.

— Районимизни республикадаги энг катта районлардан бири деб айтиш мумкин, — Темирбек Санғизбоев гап орасида биз учун маълумот тариқасида баъзи рақамларни айтди. — 4 миллион гектар яйловимиз бор. 28 та фермада 360 мингга яқин қоракўл қўйлари, 4 минг бош туя, 3700 бош от боқиляпти. Қоракўлни биз майин тилло деймиз. Аммо, районда республикадаги энг йирик ҳақиқий олтин, кумуш, уран конлари ҳам борки, агар ҳукумат маҳаллий аҳолига қайишса, томдиликлар Ўзбекистондаги энг бой, энг тўқ ва бахтиёр халққа айланарди. Афсуски, амалда бунинг тескариси. Ўзларинг уч кун сурувма-сурув юриб кўрдинглар, чўпонлардан камбағал, чўпонлардан юпун одам йўқ ҳозир, деб айтишга тўла ҳақлиман. Хўш, нега ана шундай бўляпти? Нима учун олтин, уран заҳиралари устида яшаб, жаҳондаги энг яхши қоракўл теріларни етиштириб айни пайтда энг юпун ва фақир одамлар бўлиб юрибмиз? Камбағаллигимизнинг боиси нимада? Чўпонлар ҳам бундоқ бошқаларга ўхшаб яшаши учун яна нима қилишимиз керак? Мени ана шу масалалар ўйлатади.

Ҳоким ўринбосари ҳозир районда ҳамманинг юрагини ўртаб турган масалалар юзидан пардани очиб, ўзи билибми-билмайми, ўртага чўккан оғир сукунатни кўтариб юбормоқда эди. «Оёққудуқ» давлат хўжалиги партия ташкилоти котиби Пернибой Мадраимов ялт этиб Темирбекка қаради-да:

— Ёпирим, Темур ака, кўпларнинг кўнглида юрса ҳам ,айтишга тили бормайдиган гапларни айтдингизку,—деди-да, чиройи очилиб гапида давом этди.—Қани менга шуни тушунтириб берингчи, район, вилоят республикадаги раҳбарлар икки гапнинг бирида гўштни, жунни, терини кўпайтир, деб айтишади-ю, аммо лекин асло дардингни эшитгиси келмайди. Қўзилатиш айни қизиган паллада денг, Тошкентдан бир мутахассис келиб, яйловма-яйлов юрди. Қишдан қилтириқ бўлиб чиққан совлиқлар ем бер, ейман, деб турган пайт эди. Жон ака ,ем анқонинг уруғи бўлиб турибди, шундан ёрдам беринг, беш-олти машина бўлса ҳам майли, десам, хўп кутинг, деди-ю, қўшни хўжаликка ўтиб кетди. Ўшаўша на унинг ўзини, на ваъда қилган емини кўрдик. Ана шунақа гаплар, акалар.

— Район партия кенгаши ҳозир район олдида турган энг муҳим муаммолардан бири — ишсизларни доимий иш билан таъминлаш имкониятларини қидиряпти, — деди ХДП район кенгашининг биринчи котиби З. Еспенбетов даврада ўтирганларнинг эътиборини асосий мавзуга тортаркан. — Ҳозир район бўйича 1700 нафар, Томдибулоқнинг ўзида 700 нафар киши бекиш. Уларнинг аксарият қисми аёллар ва ёшлар. Ҳокимлик билан бирга уларга иш ўринларини топишимиз керак. Аммо, қандай қилиб?

— Қандай қилиб? — унинг саволини такрорлади «Янги чорва» давлат хўжалиги партия ташкилоти котиби Ҳалиулла Қорсақов.

— Илгари Томдига четдан сира ҳам кийим-кечак олиб келинмас эди, — давом этди биринчи котиб. — Ҳаммаси ўзимизда тикиларди. Мана шу удум йўқ бўлиб кетди. Одамлар четдан олиб келинадиган тайёр маҳсулотга кўз тикишга ўрганиб қолишди. Партия кенгаши ва район ҳокимияти мана шуларни эътиборга олиб, Зарафшондаги марказий кон бошқармаси билан бирга район марказида ҳамкорликда қўшма корхоналар очиш ғоясини илгари суряпти. Бу корхона, масалан, тикувчилик фабрикаси филиали ҳам бўлиши мумкин.

—Бу таклифлар вилоят ҳокимлигига етказилган, — биринчи котибнинг сўзини давом эттирди Темирбек Санғизбоев. — Энди гап уларнинг бу масалага қандай муносабатда бўлишида...

Район ҳокимлиги ва партия ташкилоти ишсизлик олдини олиш учун қўлидан келган барча тадбирларни кўраётганлигидан хабаримиз бор эди. Ҳокимлик ҳаракат қилиб 15 та тикув машинасини топиб келди, бўш бир бинода тикувчилик цехини очиб, унда пўстин тикишни йўлга қўйди. Маҳаллий саноат корхонаси ёш болали аёлларнинг уйга иш олиб туя жунидан пайпоқ, жемпер тўқишини, кўрпа қавишини йўлга қўйди. Аммо булар катта бир район маркази учун бутун бир сурув қўйни бир челак сув билан суғоргандек гап бўлди, холос. Ишни пўстиндўзлик цехи ташкил этишдан бошлаган ҳокимлик ва район партия кенгаши шу соҳадаги изланишни давом эттириб, мана энди тикувчилик корхонаси шахобчасини очиш ҳақида бош қотиряпти.

Шу йилнинг бошида Навоий нодир металлар давлат концерни бошқаруви корхона қошида нет эл технологияси билан ишлайдиган вилоятдаги энг йирик трикотаж фабрикасини барпо этди. Дастлабки маҳсулот сифати ва чиройи билан мана-ман деган чет эл кийим-кечаклари билан беллаша оладиган даражада эди.

— Ҳамма иш дуруст боряпти-ю, аммо ишчи кучи тақчиллиги шу йўлдаги фаолиятимиз белига тепмоқда, — деб айтганди концерн раиси Н. И. Кучерский ва Зарафшондаги марказий кон бошқармаси директори Г. А. Прокопенко биз билан суҳбатда. — Қанийди икки қадам наридаги Томдибулоқдан иқтидорли ёш йигит-қизларни кўпроқ юборишса-ю, биз уларни ҳунар-техника мактабларида ўқитиб, малакали ишчи қилиб етиштирсак...

Улар гап орасида концерн қошида яна қандай янги корхоналар очиш режалари борлигини ҳам гапириб беришди. Пўстиндўзлик фабрикаси ана шулар жумласидан эди. Томди ва Учқудуқ районлари қўйчиликка ихтисослашган, — дедоққина ёнида янги район марказини барпо этяпти-ку. Бизнингча, ана шу корхоналар ҳам янги Томдибулоқнинг қурилиш режасига киритилса, айни муддао бўларди.

— Жуда ҳам яхши. Аммо ўша бўлажак пўстиндўзлик корхонаси қошида хўжаликлар ҳиссасига олиб қолинадиган жун ҳисобидан кигиз цехи ҳам очиш мумкин-ку ахир, — биз Николай Ивановичнинг режаларини айтиб берганимизда Ж. Балиманов номли совхоз партия ташкилоти котиби Серик Сангариевнинг юзи ёришиб кетди. — Кигиз деганн — қозоқнинг қора уйи. Қора уйнинг эса ҳозир нархи 50 минг сўмга чиқиб кетган. Оддий чўпон бу баҳода янги уй ололмайди. Агар районда кигиз ишлаб чиқариш йўлга қўйилгудек бўлса, эски уйнинг керагаси ва шанғароғига янги кигиз қопланса, ялтираб турмайдими? Таклифим шу — районда кигиз босишни ҳам йўлга қўйиш керак.

— Буларнинг ҳаммаси қилса бўладиган ишлар. Биз концерндагилар билан бўладиган мулоқотда албатта мана шулар ҳақида ҳам келишиб оламиз. Ҳозир концернда Томдидан борган 170 йигит ва қиз ҳунар мактабида ўқияпти. Районда янги корхоналар очилиши муносабати билан у ерга ёшларни кўпроқ юборишимиз лозим. Етар энди чўпон боласи албатта чўпон бўлиши керак, деган ақидалар. Мутахассис ва малакали ишчилар ўзимиздан етишиб чиқадиган давр келди.

— Мен умуман, келажакда концернда ишлаши учун ҳозирдан маҳаллий кадрларни тайёрлаб боришни таклиф қилардим, — район партия кенгаши биринчи котиби З. Еспенбетов кўпдан бери партия ташкилотида пишиб-етилиб келаётган таклифларни ўртага ташлади. — Кон ва заводларда асосан четдан келган ишчи ва мутахассислар ишлаяпти. Бу — маъқул. Аммо, келгусида кон, металлургия ва бошқа соҳаларда ишлайдиган маҳаллий кадрлар етиштириш ҳақида ҳам ўйлайдиган пайт ҳозир. Бунинг учун олий ва ўрта техника билимгоҳларига Навоий вилоятидан кўпроқ маҳаллий ёшларни юборишга эришиш керак. Агар нодир металлар концерни талабалар учун стипендиялар ташкил этса ўқишни тугаллаган ёш мутахассисларнинг бу ерга қайтиши кафолатланган бўларди.

— Бу ерда Зарафшон ва Учқудуқ корхоналари иши ҳам тилга олинаётган экан, мен эътиборни маош билан боғлиқ коэффициент масаласига қаратмоқчи эдим, — деди Ленин номли давлат хўжалиги партия ташкилоти котиби Ж. Болапанов. — Зарафшонлик ишчилар ҳозир саҳро ва сувсизлик коэффициенти сифатида иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ олишяпти. Район марказида ишловчилар ва чўпонлар олаётган коэффициент эса 20 фоиз атрофида. Хўш, нега ўртада бунчалик катта фарқ бор. Ахир ҳаммамиз ҳам мана шу Қизилқум саҳросида ёнма-ён яшаб, ишлаяпмизку? Масалани ҳал қилишда бизга ким ёрдам беради? Навоий ҳокимлигими? У ердагилар бизга шундай бўлиб келган эди, деб айтишяпти. Ё Тошкентми? Аммо, тегишли вазирликлар додимизга қулоқ солишни исташмаяпти.

— Мен ҳам кўпдан бери ҳал бўлмай қийнаб келаётган бир муаммони ечиш, ҳозирги кунда энг муҳим масала бўлиб қолганлигини айтмоқчи эдим, — деди П. Мадраимов.— Зеро, районда қандай йиғилиш бўлса, шу ерда мана шу масала албатта қайта-қайта эсга олинади-ю, бироқ бажарилмай қолиб кетаверади.

— Хўш, қандай масалани назарда тутяпсиз? — сўради Т. Санғизбоев.

— Томди ва Учқудуқ районларидаги хўжаликлар ҳар йили 170 минг бош қўйни семиртириш учун бўрдоқи хўжалигига топширадилар. Бу хўжалик эса райондан 300 километр узоқда жойлашган. Бўрдоқи учун ажратилган қўйларни чўпонлар шунчалик узоқ жойга ҳайдаб олиб борадилар, кейин семиртирилган жониворларни яна шунча ердан ҳайдаб келадилар. Қўйлар етиб келгунича яна аввалги ҳолига қайтади. Яна қанчадан-қанча меҳнат, маблағ йўлда шамолга совриляпти. Ҳолбуки, ора йўлда йўқотилган гўштнинг ўзи билан Учқудуқ ва Зарафшон шаҳарлари аҳолисини бир йил бемалол таъминлаш мумкин. Афсуски, мана шу харажатлар ҳам пировард натижада совхозларнинг зиммасига тушаётир. Мен чўпонларнинг косаси оқармаётгани сабабларидан бири мана шунда деб биламан.

— Демак, бўрдоқи хўжаликларини районга яқинроқ жойга жойлаштириш керак. Бу иш билан вилоят ҳокимлиги яқиндан шуғулланишини истардик. Чунки бундай ҳолат бошқа районларда ҳам содир бўляпти. Демак биз ҳали ҳам фойда-зиённинг фарқига бормай, бозор иқтисодиёти энг аввало ҳисоб-китобнигина тан олишини билмай келаётирмиз. Мен мана шу фикримга яна бир мисол қилиб тайёрланган жунни корхонага етказиб бериш масаласини қўймоқчиман. Жун транспортларда Тошкентга олиб бориб топширилади. Харажати эса совхозларнинг зиммасига тушяпти. Яна ажабланарли жиҳати шундаки, ўзимизда қолдирилиши керак бўлган маҳсулот ҳам ўша ердаги заводга олиб борилиб, тойланиб, яна қайтариб келтирилмоқда. Айтингчи, бу ортиқча харажатлар кимга керак?

— Жуда ҳам тўғри айтдингиз Темур ака, — Ж. Болапанов унинг гапини қувватлади. — Ҳозир бозор иқтисодиёти даври деяпмиз. Шундай экан, ўзимиз етиштирган маҳсулотга ўзимиз эгалик қилишимиз ва фақат фойдагагина сотишимиз лозим. Майли, Келесдаги жун корхонаси маҳсулотимизни олаётган экан, олаверсин. Бироқ ўртадаги ортиқча харажатларга барҳам берсин. Агар корхона вакиллари вилоятнинг ўзида маҳсулот қабул қилишни уюштирсалар, транспорт ҳаражатларини ўз зиммасига олсалар, мантиққа мос иш бўларди.

Давра суҳбатида район хўжаликлари ҳаётига салбий таъсир кўрсатаётган, чўпонлар турмушининг ўнгланиб кетишига халақит бераётган ана шулар сингари муқсонлар ҳал бўлмай келаётган муҳим масалалар, ечилиши қийинлашиб кетаётган катта-катта муаммолар ҳақида жиддий гаплашиб олинди, уларни ечиш йўллари изланди. Аммо улар қандай масалаларни кўтармасинлар, унинг ижро жилови албатта ё Навоий вилояти ҳокимлиги ёки республика Вазирликлар Маҳкамасининг қўлида бўлиб чиқяпти. Тўғри, ҳозир замон мураккаб, қимматчилик авжга чиққан. Бироқ, кўпга келган тўй, деб қийинчиликларни пеш қилиб, аллақачон ечилиши керак бўлган муаммоларни кечиктириб юравериш ҳам инсофдан эмас-да. Ҳозир республикамиз мустақил, бу ишларни ҳеч ким четдан келиб ҳал қилиб бермайди. Бунинг устига жазирама иссиқда ишлаб, республика умумдастурхонига озми-кўпми улуш қўшиб келаётган оддий чўпонларнинг хизматига елка тутиш ҳам бир жиҳатдан савобли иш. Қолаверса, улар ҳам ҳокиму вазирликлардан мана шу ишимизни қилиб берингилар, деб турибмиз. Аксинча, биламиз, ҳозир ҳаммага ҳам қийин, шунинг учун қўлдан келганча кўмаклашинглар деб илтимос қиляптилар. Бу илтимосни бажариш эса ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Ана шуни унутмаслик керак!

Р. ТУРСУНОВ,
Т. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.



«ЦИТОДЕФ»—ПАХТАКОРГА ИШОНЧЛИ МАДАД

● Куни кеча таҳририятимизга хушхабар келди. Бу кўпдан бери орзиқиб кутилган янгилик эди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси илмий-тадқиқот институти олимлари Москвадаги ўсимликларни кимёвий воситалар билан ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда ғўза баргини сунъий равишда тўктирадиган янги дефолиант яратишди. Уни олимлар «Цитодеф» деб аташибди. Хўш, бу янгилик республикамиз пахтачилигига қандай фойда келтириши мумкин? Унинг ўтмишдошларидан фарқи нимада? Яхшиси, бу саволларга олимларнинг ўзлари жавоб беришсин.

Ҳамидулла ОРИПОВ, Ўсимлик моддалари кимёси илмий-тадқиқот институти директори, техника фанлари доктори:

— Маълумки, кўп йиллар давомида пахта далаларида бутифос дефолианти ишлатиларди. Унинг ўта заҳарли эканлигини ҳамма билади. Оқибатда кўплаб одамлар заҳарланди, касалликларга чалинди. Ҳозирги кунда кенг қўлланилаётган хлорат магний ва кальций хлорат хлориди эса ғўза барглариии қовжиратиб қўяди. Натижада барг ғўза тупларида қуриб қолиб, машина теримига халақит беради. Устига-устак пишиб етилмаган кўсаклар ҳам қовжираб, нобуд бўлади. Бундан деҳқонлар катта зарар кўрадилар. Агар бу дориларни ишлатиш нормаси намайтириладиган бўлса, дефолиация кутилган самара бермайди. Такрор-такрор дефолиация ўтказишга тўғри келади. Бу эса йиғим-теримни кечиктиради, пахтанинг таннархини ошириб юборади.

Олмониядан сотиб олинаётган ҳаммага маълум дропп эса пахтакорга қимматлик қилмоқда. Ҳозирги пайтда унинг бир тоннаси 4 миллион сўмга кўтарилди. У фақат ҳарорат юқори даражада бўлгандагина яхши самара беради. Кузда ҳарорат паст бўлса-чи? У ҳолда бу дефолиантнинг самарадорлиги пасаяди. Янги дефолиантнинг афзалликлари ҳақида «Цитодеф» дропп сингари «юмшоқ» ва аста-секин таъсир кўрсатиш хоссасига эга. Шу сабабли Тошкент ҳамда Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси сингари шимолий зоналарда дефолиациями муддатидан бир ҳафта илгари ўтказиш муҳимдир. Бунда ғўза барги яшил ҳолатда, намлигини тўла йўқотмаган ҳолда тўкилади. Қувончлиси шундаки, етилмаган кўсаклар асло зарарланмайди.

Маълумки, дефолиантларнинг самарадорлигини баҳолаган пайтда биринчи навбатда ҳосил қандай бўлганлиги назарда тутилади. «Цитодеф» билан ишлов берилган майдонларда ҳосилдорлик камаймагани, аксинча кўпайгани маълум бўлди. Ғўзанинг «С-4880», «С-6425», «108-Ф» ва «9883-И» навлари «синов»дан ўтказилганда тола сифати бузилмаганлиги аниқланди. Шунингдек, у чигитнинг униб чиқиш қобилиятини пасайтирмайди. Демак, бу дорининг келажагига умид қилса бўлади.

Диққат— янгилик!

Анвар УМАРОВ, биология фанлари доктори:

«Цитодеф» 25 фоизли ёғсимон эмулсия ҳолатида ишлаб чиқарилади. У сув билан осон аралашади. Биз синов ишларини бир неча йил давомида Ўзбекистон ва Тожикистоннинг пахтазорларида, яъни турли тупроқ-иқлим шароитларида синаб кўрдик. Ғўзанинг олти хил навида шу жумладан, битта ингичка толали навида қўлланилганида натижа ёмон бўлмади. Этолон сифатида дропп дефолиантидан фойдаланилди. Дефолиация ғўза тупида 30-40 фоиз кўсаклар очилган вақтда, сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилди. Пуркаш ишлари ОВХ — 28 агрегати ёрдамида бажарилди.

Тожикистон далаларида дефолиация ўтказилгандан кейин ўн иккинчи куни ғўза баргининг 93-96 фоизи тўкилиб бўлди. Кўсаклар очилиши тезлашди. Ингичка толали ғўза навида синаб кўрилганда шу нарса маълум бўлдики, ўн иккинчи кунга борганда 86 фоиз, ўн саккизинчи кунда эса 96 фоиз ғўза барги тўкилди.

Ўтган йили «Цитодеф» Бухоро вилоятидаги 300 гектар майдонда ишлаб чиқариш шароитида синаб кўрилди. Ҳар гектар майдонга уч килограммдан ишлатилганда дефолиациянинг ўн иккинчи кунида ғўза баргининг 90 фоизи яшил ва ярим яшил ҳолда тўкилгани кузатилди.

Гўзал ИСКАНДАРОВА, Санитария ва гигиена илмий тадқиқот институти гигиена ва пестицидлар токсикологияси лабораторияси мудири, медицина фанлари номзоди:

Бу дори токсикологик жиҳатдан текшириб кўрилганда унинг камзаҳарли эканлиги маълум бўлди. Унинг заҳарлаб ўлдириш даражаси оқ сичқон ва каламушлар учун 1200 миллиграмм/кгга тенг. Дропп препаратида эса бу кўрсаткич — 4000 миллиграмм/кгни ташкил этади. Демак, «Цитодеф»нинг заҳари дроппга нисбатан уч баравар камроқ. Бу дори инсон организмида тўпланмайди, тери орқали сўрилмайди ва мутация келтириб чиқармайди. У балиқлар учун мутлақо зарарсиз.

● Кўриниб турибдики, янги дефолиант юқори самарадорликни таъминлаб, инсон организмига ва жониворларга зарар етказмас, ҳосилдорликка ҳамда уруғликка салбий таъсир кўрсатмас экан. Шундай экан, уни ишлаб чиқаришда кенг қўллаш мумкин. Унинг иқтисодий самараси юқорилиги ва кўплаб валютани тежашга имкон беришини ҳисобга олиш зарур.

Шуниси қувончлики, республикамизни сифатли, арзон дефолиант билан таъминлаш йўлида дастлабки қадам қўйилди. Навоий электрохимия заводидаги мавжуд ишлаб чиқариш қурилмаларидан кенг фойдаланиб, уни «Цитодеф» тайёрлашга мослаштириш бошлаб юборилди, Бу, ўз навбатида қўшимча капитал маблағ сарфламай туриб келгуси йил мавсумидаёқ 20-30 тонна дори ишлаб чиқариш имконини беради. Ўйлаймизки, яқин келажакда пахтакорларимиз ажойиб дефолиант билан тўла таъминланадилар.

Ш. МИРҲАБИБОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

Ёқилги мазути тақчиллиги ва унинг нархи тобора, кундан кунга ошиб бормоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИ ҚЎМИТАСИ БАРЧА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА.

МАЗУТ

1922 йил 10 сентябрга қадар мавжуд ва ижарага олинган сиғимларни лимитлардан қатъий назар тезда тўлатишни ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ўз иссиқлик хўжалигингизни қишга тайёрлашга шошилинг, кейин армонда қолманг!

Бу ҳақдаги буюртмаларни Ўзбекистон Республикаси Давлат нефть қўмитаси диспетчерлик бўлимига тақдим этишингизни сўраймиз.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Й. Охунбобоев кўчаси, 16-ўй.

Телефонлар: 33-43-36, 32-28-71.

Темир йўл телефони: 42-30.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 17. VIII

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.05 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм.
18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар изидан».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Чолғу куйларидан концерт.
19.40 Телевизион театр. Беҳбудий. «Падаркуш».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Андижон вилояти.
21.45 «Икки дил достони». Бадиий фильм.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
20.25 «Билиб қўйган яхши».
20.40 «Миришкорлар».
20.55 «Сени излаб». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
21.35 «Инсон тақдири». Телеочерк.
21.55 «Лаҳза». Хабарлар.
22.05 «Ўрмон қиссаси». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Якунлар».
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Остонамга эртак қўнибди». Мультфильм.
8.30 «Марафон-15».
9.00 «Китобхона».
9.40 «Олтин изловчилар». Бадиий фильм (Руминия, Германия, Франция).
11.00 Янгиликлар.

* * *

13.05 Кўрсатувлар тартиби.
13.10 «Телемикст».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Ҳордиқ чиқаринг».
14.40 «Бенони ва Роза». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
15.35 Мультфильм.
15.45 Болалар учун фильм. «Зверобой». 1-серия.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 Футбол шарҳи.
17.55 «Крешчендо». Мусиқий кўрсатув.
18.10 «НЭП».
18.40 Халқаро авиация байрами.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Спорт уик-энди».
20.40 «Кутилмаган ташрифлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия («Экран»).
«Янги студия» таништиради:
21.45 «Таътил кунлари». Публицистик фильм.
23.35 «Мегамикс».
24.00 «Бомонд». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «Август сабоқлари».
8.35 Мульти-пульти. «Эски ансадо ҳақида эртак».
8.45 «Жаноблар-ўртоқлар».
9.00 Россиянинг телевизион театри. «Софьяни излаб». 1-қисм.
9.45 «Очиқ олам». «Донишмандлик изловчилар».
11.05 «Волчья» сайёҳлар базаси». Бадиий фильм.
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.50 «Бу ерда энг каттаси мен». Маҳаллий аҳамиятга молик танлов.
15.20 «Чархпалак». «Евро-диснейленд бўйлаб саёҳат».
16.20 Янгиликлар.
16.35 Ифодалаш санъати. «Тулондаги учрашув». Лилиана Кано.
16.55 Эълонлар.

ГУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Болалар даврасида.
18.00 «Омад».
18.30 «Манзара». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 «АҚШ—СССР: катта ўйин». Кўп серияли телефильм премьераси. 5-фильм— «Совуқ уруш» (1964—1980 йиллар).
20.25 «Хоҳ ишонинг...».
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.30 В. Цой. «Серқуёш кунлар».
22.30 Душанба куни детектив. «Қонундаги ўғрилар». Бадиий фильм.

Сешанба, 18. VIII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Футбол. Ўйингоҳлардан дараклар.
7.30 «Фитрат». Телефильм.
8.00 «Икки дил достони». Бадиий фильм.
9.35 Бувайда тумани Ўқувчилар уйи «Гулшан» ансамблининг чиқиши.
10.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Андижон вилояти.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Дангаса қиз». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ишбилармон кишилар». Телеочерк.
19.50 «Спортлото».
19.55 «Қорли тоғлар бағрида».
20.05 «Мингбулоқ — она-замин иноъоми». «Ўзбектелефильм» премьераси.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Танбур ноласи». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Алиматов. Видеофильм премьераси.
22.45 Футбол. Ўзбекистон миллий чемпионати. Олий лига. «Пахтакор» — «Мароқанд» (Самарқанд). «Қибрай» ўйингоҳидан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган).
00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Субҳидам».
19.30 Долзарб мавзуда суҳбат.
19.55 «Азиз кишилар сиймоси».
20.50 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
22.00 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 «Лимпопо».
9.35 «Темирчи-сеҳргар». Мультфильм.
9.55 «Кутилмаган ташрифлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
11.00 Янгиликлар.

* * *

13.20 Кўрсатувлар тартиби.
13.25 «Адам Смит бойлиги дунёси».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Ёшлигимизда ҳавас қилган спортчилар». Борис Шахлин.
14.40 «Бенони ва Роза». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия.
15.40 «Овчи». Мультфильм.
15.45 Болалар учун фильм. «Зверобой». 2-серия.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Қўшнимиз — Хитой».
18.10 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.55 «Аёл театрда». Ярославль фестивали.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Кутилмагаан ташрифлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.35 «Менинг азиз кабутарларим». Телефильм.
21.55 «Рус балети юлдузлари» Кўп серияли мусиқий фильм. 5-серия.
23.00 Янгиликлар.
23.35 «Максима».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «Мутлақо махфий».
8.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
9.00 Мульти-пульти. «Момақалдироқ худоси».
9.10 Россиянинг телевизион театри. «Софьяни излаб». 2-қисм.
9.55 «Ҳайвонот оламида».
10.55 «Чашмалар». «Сольвичегорск — беш асрлик шаҳар».
11.35 Кундузги сеанс. «Шиша лабиринт». Бадиий фильм.
13.15 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.55 Телебиржа.
15.25 Мульти-пульти. «До-ре-ми», «Агар мен дадамнинг ўрнида бўлсам». 1-фильм.
15.55 «Рост» студияси. «Т-клуби».
16.25 Янгиликлар.
16.40 Параллеллар. «Марина Цветаева — Владимир Маяковскийга».
16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Халқ рақслари.
18.00 «Серташвиш оила».
18.30 «Сув билан келган маданият». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 «Қўшиқлар китоби».
20.05 «Ҳожи Орифбей».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.00 Хабарлар.
21.20 «Россияга қараган ойна».
22.15 «Учинчи мусиқий синов».

Чоршанба, 19. VIII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Бир умрга тенг рақс». Фильм-концерт.
7.55 «Кечмишларнинг ҳикояси бу». Бадиий фильм.
9.30 Камер куйларидан концерт.
10.00 «Фермерлар», «Музей заллари бўйлаб». Телефильмлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Топилмалар идораси». Мультфильм. 1—2-фильмлар.
18.30 Президент фармонлари амалда. Якка тартибда ўй-жой қуриш тажрибасидан.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Адолат».
19.50 «Муҳаббат наволари». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Иф қалъасининг маҳбуси». Бадиий фильм. 1-фильм— «Аббат Фариа». 2-фильм — «Граф Монте-Кристо».
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 «Она табиат». Кинопрограмма.
11.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
12.20 «Чегем ҳикояси». Бадиий фильм.
13.40 «Устозларни ёд этиб». Мусиқий кўрсатув.

* * *

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Билим сарчашмалари».
20.20 Кичик концерт.
20.40 «Олтин сур». Бадиий фильм.
22.05 «Қизиқарли учрашувлар».

● «ОРБИТА IV»

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 «Тонг».
7.50 Эрталабки гимнастика.
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.50 «Довюрак қўён ҳақида эртак». Мультфильм.
10.00 «Брэйн-ринг».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Кутилмаган ташрифлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
12.35 Мультфильмлар.
13.05 Кўрсатувлар тартиби.
13.10 «Телемикст».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Оқ қушлар», «Нега энди филлар!». Мультфильмлар.
14.55 «Бенони ва Роза». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия.
15.55 Мультфильм.
16.10 «Рок-сабоқ».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Қаерга учаяпсан, Витар!». Мультфильм.
17.45 «Сиёсат» студияси кўрсатади: «Банк».
18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.00 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Кутилмаган ташрифлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.40 Рус қўшиқларини Т. Петрова куйлайди.
21.55 «Городецк усталари». «Манбалар» туркумидан телефильм.
22.25 «Ялта-92» эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари VII телевизион танлови. 1-кун. Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Эълонлар.
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 «Россияга қараган ойна».
8.50 Ишдан бўш пайтингизда. «Коллекционер».
9.05 «Нифоқ ороллари. Японияда қараганда». 2-кўрсатув.
9.35 «Бурда моден» таклиф этади...
10.05 «Экзотика».
11.04 «К-2» кинозали. «Хотиним кетиб қолди». Бадиий фильм.
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.40 «Ишбилармонлик — бу эркинликдир».
14.55 Мульти-пульти. «Олтин сўзлар».
15.05 Трансросэфир. «Танлов атрофидаги мулоҳазалар».
15.40 Христианлар учун кўрсатув.
16.10 Янгиликлар.
16.25 Парламент хабарномаси.
16.40 «Ўтган йили худди шу куни».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Болалар даврасида.
18.00 «Поезд деразасидан кўринган манзара».
18.30 Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 «Ҳар бир кун байрам».
19.30 «АҚШ—СССР: катта ўйин». Кўп серияли телефильм премьераси. 6-фильм — «Қуёш Шарқдан кўтарилади» (1980 — 1991 йиллар).
20.35 «Аврора зарби ёки Россия метаморфозалари».
20.40 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.
21.20 Экранда биринчи марта. «Оҳ, ўрдаклар...». Бадиий фильм.
22.45 «Зулматдан зиёда». Александр Шкуратов «Триллер» театрининг супер-шоу томошалари.

Пайшанба, 20. VIII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Футбол. Ўйингоҳлардан дараклар.
7.30 «Қалбида қуёш тафти». Телефильм.
8.05 «Ҳамқишлоқлар». Бадиий фильм.
9.30 «Сенсан севарим». Концерт.
10.05 «Бола бошидан». Мактабгача тарбия масалалари.
10.45 Иззат Султон. «Имон». Видеофильм. 1-қисм.

* * *

18.00 Янгиликларр.
18.10 «Топилмалар идораси». Мультфильм. 3—4-фильмлар.
18.30 «Бозор иқтисодиёти йўлида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Санъат фидойилари». Мирпўлат Мирсоат ўғли.
19.50 «Мерос». Мақом тарихидан.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Навойи вилояти.
21.40 «Иф қалъасининг маҳбуси». Бадиий фильм. 3-фильм — «Интиқом».
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 «Дилафрўз Жабборова рақсга тушади». Фильм-концерт.
11.00 «Фарзандлар даври». Бадиий фильм.

* * *

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Туркистон чечаклари». Ёш ижрочиларнинг концерти.
19.40 «Сиз яратган боғ».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви.
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 «Лимпопо».
9.35 «Темирчи-сеҳргар». Мультфильм.
9.55 «Найда». Мультфильм.
10.05 «Бекинмачоқ ўйини». Телефильм премьераси (Новосибирск).
11.00 Янгиликлар.
11.20 Кўрсатувлар тартиби.
11.25 «Кутилмаган ташрифлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
12.40 «Телемикст».
13.25 «Ён дафтар».
13.30 «Бугун ва ўша пайтларда».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Бу. бўлган, бўлганди...».
14.40 «Олтин мина». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
15.45 «Болалар мусиқий клуби».
16.25 «Сиёсат» студияси намойиш этади.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.00 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатувлари. «Очиқ ҳаводаги суҳбат». 1-қисм — «Василий Аксёнов».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Тулпор учун ярим бойлик». Ҳужжатли фильм.
20.40 «Кутилмаган ташрифлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
22.05 «Ялта-92» эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари VII телевизион танлови. 2-кун. Танаффус пайтида (23.00)— Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «Узлигингни излаб».
8.45 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман».
9.00 Ҳужжатли панорама. «Августнинг уч куни».
9.45 В. Степанов рус романслари ва қўшиқларини ижро этади.
10.10 «Фавқулодда ҳодиса».
10.55 Кундузги сеанс. «Тақдир тақозоси билан». Бадиий фильм.
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.55 «Бизнес — янги номлар».
15.10 «Сигнал».
15.25 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
16.25 Янгиликлар.
16.40 Параллеллар. «Қадимий Новгород мусиқаси».
16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 «Ёшлар».
18.15 «Ислом маданияти ёдгорликларда».
19.00 Хабарлар.
19.20 «Ранг ва овоз».
20.05 «Катта опа».
20.50 Манзарали фильм.
21.03 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.20 Эълонлар.
21.30 «Рус балетининг умиди».
22.15 «Виват, «Россия». Оқ уйдаги митинг.
23.00 «Иркутсктелефильм» таништиради. «Нима деб атасангиз, атайверинг».

Жума, 21. VIII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Қўшиқ айтиш — орзуим менинг».
8.00 «Кўксерик». Бадиий фильм.
9.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
10.15 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Навойи вилояти.
10.55 Иззат Султон. «Имон». Видеофильм. 2-қисм.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Энг билимдон қуён». Мультфильм.
18.30 «Кичкинтой» студияси. «Висола қиз ўйнасин».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Тил—маданият кўзгуси».
19.50 «Муқимий лирикаси». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Санъат усталари». Обид Жалилов.
22.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

10.30 «Болалар — бизнинг келажагимиз». Кинопрограмма.
11.30 «Шарқ дурдоналари».
12.30 «Меҳрибонлик». Бадиий фильм.

* * *

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 «Пират лақабли кучукнинг ёзишмалари». Мультфильм.
18.15 «Қумдаги этюдлар». Телефильм.
18.30 «Ала-Тоо».
18.50 «Биринчи байлик —деп соолук».
19.20 Телефильм.
19.55 «Сен суйгон обон». Ш. Кемелгазиева.
20.30 «Ала-Тоо».
20.50 «Назар».

● «ОРБИТА IV»

4.55 Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатувлари. «Очиқ ҳаводаги суҳбат». 1-қисм — «Василий Аксёнов».
10.05 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.00 Янгиликлар.
11.20 Кўрсатувлар тартиби.
11.25 «Кутилмаган ташрифлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
12.50 Мультфильм.
13.15 «Бридж».
13.40 «Бизнес-класс».
13.55 «Ён дафтар».
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Мусиқа шинавандасига совға». Ирина Архипованинг мусиқий меҳмонхонаси. 2-кўрсатув.
14.55 «Олтин мина». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
16.00 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
16.40 «Никита Кожемяка». Мультфильм.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 М. Пятницкий номли Давлат академик рус халқ хорининг концерти.
18.10 «Инжиқ малика». Мультфильм.
18.30 «Инсон ва қонун».
19.10 «ТВ-Нева: Ким биз билан!».
19.20 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 6-серия.
19.45 Хайрли тун кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 Кўрсатувлар тартиби.
20.25 «Тунги альбом». К. Некрасова.

«ВИД» таништиради:

20.50 «Мўъжизалар майдони».
21.45 «Ҳордиқ чиқаринг».
22.00 Сиёсий бюро. «Дераза ортида август». Телевизион ҳужжатли-публицистик фильм премьераси.
23.45 «Бўрон қуши сояси». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 Эълонлар.
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 «Нота бене» студияси.
8.35 «Узун сочли гўзал Варвара». Бадиий фильм.
10.00 «Волга бўйлаб».
10.25 «М-трест».
10.40 «Марини театри Метрополитен-опера да».
11.20 «Агар сиз...».
11.50 «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 66-серия.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.25 Телебиржа.
15.55 «Терминал».
16.25 Янгиликлар.
16.40 «Танаффус».
16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 Халқ рақслари.
18.00 «Биз ўзимизга ўхшаймиз». Видеофильм.
18.30 «Олтойликлар». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 Концерт.
20.00 «Елғизлар». Видеофильм.
21.02 Хабарлар.
21.20 «Ҳафта сўнгида». Дам олиш кўрсатуви.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.55 Россия концерт арбоблари уюшмаси таништирилади.

Шанба, 22. VIII

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Охирги икки». Бадиий фильм.
9.05 Спорт кўрсатувлари: 1. Ёш полвонлар мактаби. 2. «Шоҳруҳ» клуби.
9.55 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Омад».
10.55 «Иқтисодий ҳамкорлик йўлида».
11.25 Ялла ва лапарлар.
11.55 «Экран зийнати». Кинокўрсатув.
13.45 «Олий таълим — янгиланиш йўлида».
14.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иш билганга — минг танга».
15.15 У. Умарбеков. «Қиёмат қарз». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

* * *

18.00 «Бахтли Григорий» Мультфильм.
18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА

19.20 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Мушоира.
19.50 «Кино жавонидан».

*

20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА. «Истиқлол йўли». Наманган вилояти.
21.40 «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

11.00 Янгиликлар.
11.10 «Яшил ороллардаги саргузаштлар». Болалар учун телевизион бадиий фильм.
12.10 Спорт кўрсатуви.
12.55 «Оба дурмуши».

* * *

17.05 Туркманистон ва Ўзбекистон халқ артисти Б. Ҳамдамов куйлайди.
17.35 «Ватан посбони».
18.20 А. Бугаев. «Мен кетиш учун келдим». Телепостановка.
19.00 «Едиген». Адабий кўрсатув.
20.00 Янгиликлар (рус тилида).
20.15 «Осиё овози». Концерт.
20.45 «Кичкинтойлар сизлар учун».
21.00 «Ватан». Ахборот кўрсатуви.
21.45 «Мустақиллик. У қандай бошланди!».
22.20 «Ўғил». Бадиий фильм.
23.35 Янгиликлар.

● «ОРБИТА IV»

5.50 Кўрсатувлар тартиби.
5.55 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».
6.55 Янгиликлар.
7.45 Спорт ҳамма учун.
8.15 «Мусиқий чолғу асбоблари ва уларнинг тарихи». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм премьераси. 11-серия — «Испан гитараси».
8.45 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин!».
9.00 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви.
9.30 «Марказ».
10.10 «Хўжа Насриддин». Мультфильм. 1 ва 2-серия лар.
10.30 Муҳофаза ёрлиғи. «Ёз ўртасидаги гуллар».
11.00 «Авиакосмик салон».
11.15 «Мусиқий дўкон».
11.45 «Диққат: ёшларнинг Х...».
12.05 «Ўз-ўзинга мадад бер».
12.35 «Янгра, гармонь».
13.30 «Илҳом манбалари».
14.00 Янгиликлар.
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Парадиз-коктейль».
15.35 «Тулки, айиқ ва кажавали мотоцикл». Мультфильм
15.45 «Зазеркалье». «Қирол Дроздовик». Бадиий фильм (ЧСФР, ГФР).
17.15 «Раневскаяни эслаб». Телефильм премьераси. 1-фильм.
18.10 «Ёнотлар». Кўп серияли мультфильм.
18.35 «Жаноби олийлари». Телевизион бадиий фильм премьераси («Экран»).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Ялта-92» эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари VII телевизион танлови. 3-кун.
23.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 «Иркутсктелефильм» таништиради: «Юрий Панов ва унинг умиди».
7.50 «Гувоҳлар ҳузурида юзма-юз». Катта В. Преснянов ва ничик В. Преснянов.
8.35 «Макон».

*

9.05—14.15
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

14.15 «Винил чангалзорлари».
14.45 «Волга бўйлаб».
15.10 Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан.
15.40 «Оқ қарға».
16.25 «Мегаполис».
16.55 Эълонлар.
17.00 Хабарлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.30 Хабарлар.
17.45 Концерт.
18.15 «Инсоннят бойлиги». Видеофильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 Манзарали фильм.
19.30 «Тоғ сўқмоқларида». Ҳужжатли фильм.
20.00 Ҳафта шарҳи.
20.15 «Биз билан рақсга тушинг».
20.40 «Бизнинг уйда».
20.55 Манзарали фильм.
21.02 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

21.20 «Моррисвиль қасрининг шарпаси». Бадиий фильм.

Якшанба, 23. VIII

● ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам».

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Давроннинг бошидан кечирганлари». Бадиий фильм.
9.35 «Ўзбекистон спорти».
10.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар».
10.55 «Тадбиркорлар ҳузурида».
11.10 «Учар ковуш». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
12.00 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси Д. Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.30 «Буюк ипак йўли», «Шифобахш ўсимликлар атрофимизда». Телефильмлар.
13.10 «Ягона оилада».

Тижорат кўрсатуви

13.50 «Истиқбол сари». Қашқадарё вилоятидан.

* * *

16.55 Футбол. Осиё кубоги. Ўзбекистон — Қирғизистон терма жамоалари. «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида —«Ўзбекистон» телевизион киножурнали.
18.50 «Скрипка чалишни орзу қилган паҳлавон». Мультфильм.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.55 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Шарқ бозори». Марғилон халқ театрининг дам олиш дастури.
21.35 «Фаввора». Бадиий фильм.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ

8.05—11.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси кўрсатади. Программада: «Бобок сенин жомогун», «Сизлар биласизми!», «Ачик конул балдарбиз», бадиий фильм.

* * *

18.05 «Вася Куролесовнинг саргузаштлари». Мультфильм.
18.30 «Ала-Тоо».
18.50 «Киргизлардин буткул дуйнолук курултайина карата». «Эл дуйносу».
19.50 Ж. Саалаев. «Бешик тўйи». Телепостановка.
20.35 «Бариш Манчо ирдайт» (Туркия).

● «ОРБИТА IV»

5.20 Кўрсатувлар тартиби.
5.25 «Руҳни чиниқтириш».
6.25 Ритмик гимнастика.
6.55 Янгиликлар.
7.40 «Спортлото» тиражи.
7.55 «Эрта саҳарлаб».
8.35 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».
9.05 «Тонг юлдузи».
9.55 «Пи» белгиси билан.
10.45 «Саёҳатчилар клуби».
11.35 «Янги авлод танлайди».
12.25 «Берлин. Эпсиз мақолалар».

«КТВ-I ҳамда Франс интернациональ канали» таништиради

13.00 «Еввойи табиат қўриқхоналари» туркумидан телефильм премьераси. 12-серия.
13.30 «Марк ва Софи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 12-фильм.

*

14.00 Янгиликлар.
14.15 Кўрсатувлар тартиби.
14.20 «Кел, алмашамиз». Мультфильм.
14.30 «Фондаги суврат». Л Зикина.
15.10 «Уолт Дисней таништиради...».
16.00 «Ҳеч нарса ҳақида репортаж».
16.20 «Останкино» халқаро телерадиокомпанияси «Биз» программасини таништиради.
17.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Раневскаяни эслаб». Телефильм премьераси. 2-фильм.
19.20 «Олтин Европа» фестивали.
19.50 «Чап оёққа ўн еттита этик». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия — «Бир» (М. Горький номли киностудия, «Рапид» киностудияси).
21.00 «Якунлар».
21.45 «Телелоция».
22.00 «Муслим Магомаев ҳузурида меҳмонда». Танаффус пайтида (23.00) —Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.00 Хабарлар.
7.20 «Аждаҳони бартараф қил».
8.00 Фольклор.

*

8.30—11.30
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

11.30 «Иккинчи жаҳон уруши болалари — тинчлик, ҳамжиҳатлик ва мурувват учун». Сталинград жангининг 50 йиллигига бағишланган халқаро телемарафони.
12.00 «Мансаб». Ишбилармон кишилар танловининг иккинчи ярим финали.
13.00 Эълонлар.
13.05 Театр сафари. «Санкт-Петербург «Тўртинчи девор» театри. 1 ва 2-қисмлар.
15.00 Хабарлар.
15.20 «А» кўрсатуви.
16.20 Мульти-пульти. «Ғаройиб олма».
16.30 «Иккинчи жаҳон уруши болалари — тинчлик, ҳамжиҳатлик ва мурувват учун». Сталинград жангининг 50 йиллигига бағишланган халқаро телемарафони.

ТУРКИЯ ТЕЛЕ



Кўз илғамас уфқлар. С. МАҲКАМОВ олган сурат-лавҳа.

ФОТОКОНКУРСГА МАРҲАМАТ!

«МУСТАҚИЛЛИК–МЕНИНГ ИФТИХОРИМ»

● «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти республика мустақиллигининг бир йиллиги арафасида бошлаётган ЭНГ ЯХШИ ФОТОСУРАТЛАР ТАНЛОВИ ана шундай аталади.

Бу ижодий беллашувни ўтказишдан АСОСИЙ МАҚСАД — жумҳуриятимизнинг кўп қиррали ҳаётини, она-Ватанимиз гўзаллигини, мустақиллик шароитида кишиларнинг илҳомбахш меҳнатини, инсонинг фикр-ўйларини, унинг дам олишини, ўқиши ва бўш вақтини қандай ўтказаётганлигини кўрсатишдан иборатдир.

● Редакция мазкур танловга барча сурат усталари ва ҳаваскорларни, фотостудиялар жамоаларини, газета ва журналларнинг фото мухбирларини таклиф этади.

Танловга юборилган суратларнинг жанрлари хилма-хил бўлиши мумкин. Масалан, портретлар, манзаралар, фототабассумлар ва ҳоказо. Хатжилдлари устига «ФОТО-ТАНЛОВГА» деб ёзиб қўйишни унутманг.

● Энг яхши суратлар «Ўзбекистон овози» саҳифаларида эълон қилинади.

Танлов якунлари қуйидаги бешта бўлим бўйича чиқарилади:
— фотопублицистика;
— замондошимиз портрети;
— инсон ва табиат;
— болалар — бизнинг келажагимиз;
— спорт.

● СУРАТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ, ҚАДРЛИ ДЎСТЛАР!

ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

УМР ЙЎЛДОШИМ ҲАҚИДА

Муштарийларимиз газетамизнинг ўтган сонларида (29, 31 июль 4, 11 август) чоп этилган ажойиб инсон Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев ҳақидаги хотиралардан баҳраманд бўлишди. Ўзбек халқининг асл фарзанди Ҳабиб Абдуллаев умрининг сўнгги кунлари қандай кечганлиги қуйида эътиборингизга ҳавола этилади.

Фотима АБДУЛЛАЕВА



ҲАБИБ Муҳамедович олтмишинчи йилларнинг бошида британияликлар таклифига биноан Лондонда бўлдилар. Орадан кўп ўтмай у кишини Киевда чақирилган илмий сессияга таклиф этишди. Домла катта маъруза билан қатнашдилар. Бироқ сафардан қайтгач, тоблари қочди. Киши қанчалик иродали бўлмасин, барибир уни ғам-ташвиш енгар экан. 1960 йилнинг 7 июнида дастлабки юрак хасталиги хуружи бўлди. Бу сафар худо у кишини қайтиб берди. Бироқ бахтга қарши бу икки йилга ҳам етмади. 1961 йил кузида Ҳабиб Муҳамедович шошилинч равишда Америкага боришлари зарур бўлиб қолди. Бу пайтда у киши Москвадаги «Барбика» санаторийсида дам олаётган эдилар. Хабар олиш учун қўнғироқ қилсам «Абдуллаевни ҳозир Грановский кўчасидаги касалхонага олиб кетишди» деган жавобни беришди. Эртаси эрта билан Москвага учдим. Етиб келишим биланоқ касалхонага югурдим. Даволаётган врач мени юпатиб, анча тинчитди ва аҳвол кечагидан тузуклигини айтди.

Ҳабиб Муҳамедович ҳар куни врачга сентябрда Америкага кетиши кераклигини эслатар, у бўлса менга эмас, сизнинг аҳволингизга боғлиқ, электрокардиограммага кўра, ўринда ётишингиз лозим, дея уқтирарди. Августдан октябргача касалхонада бўлиб, сўнг уйга қайтдик. Тошкентга келганимизда боғимиз устида миш-мишлар кўпайиб кетган, бу гаплар қаердан ва ким томонидан чиқаётганлигини тушуниш қийин эди. Булар, албатта, Ҳабиб Муҳамедовичнинг шундоқ ҳам яхши бўлмаган саломатлигига таъсир қиларди. Бунинг устига ҳали у киши президент лавозимида бўлса-да, очиқдан-очиқ уни бу вазифадан озод этишмоқчи эканлигини билдириб туришарди. Умр йўлдошим амалпараст эмас эди. Агар у академиянинг ишини уддалай олмай, унинг орқада қолишига сабабчи бўлганида ва шунинг учун ишдан кетказишга қарор қилишганида бунчалик хафа бўлмасди. Таъсир қилган ери ҳам шу эди. Буни қарангки, саломатлигини ўйламай кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ишласада, миннатдорчилик ўрнига, устидан турли туҳмат ва иғволар уюштирилса!

1962 йил 22 январь куни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг йиллик мажлисидан сўнг сайлов бўлиши керак эди. Ундан олдин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси чақирилиб, унда Ҳабиб Муҳамедович иштирок этадилар. У кишига «Сизни Бюро ўн пунктдан иборат айб билан айблайди, ўз хоҳишингиз билан ариза бериб кетаман десангиз, аризасига мувофиқ, касаллиги учун президентликдан озод қилинди, деб қарор чиқарамиз. Бўлмаса, шу айбларни қўямиз» дейишган. Ҳабиб Муҳамедович уйга келгач, воқеани менга айтиб бердилар. Аввалига у киши ариза беришга кўнмадилар. Шунда мен ялиндим, илтимос қилдим, учта боланинг, йигирма икки йиллик ширин турмушимиз ҳурматини ўртага қўйиб тиз чўкиб сўрадим. Охири ариза ёзишга кўндирдим. У кишини президентликдан озод қилишди...

Ҳабиб Муҳамедович билан мен бир куни шаҳар уйда бўлсак, икки кун боғда яшардик. У кишининг аҳволи ёмонлашиб, қон босими баландлашгандан сўнг бирга стационарга ётдик. Шифохонада анча даволангач, Май байрамини болалар билан уйда ўтказамиз, деган яхши ниятда стационардан чиқдик. Аммо, Ҳабиб Муҳамедовичнинг касали оғирлашаверди. Анализлар яхши эмас, буйрак хасталиги сабабли қон босими жуда баланд бўлиб, юрак фаолияти ёмонлаша борди. 13 кунгина уйда бўлиб, яна стационарга ётдик. Май ойи ичида профессорлар, врачлар нималар қилишмади дейсиз. Аммо вақтни қўлдан бериб қўйган эдик. Ҳар кунлар қандай ўтаётганини билмасдим. Бошимга тушаётган ғам-андуҳлар елкамдан босиб, ер қаърига киргизиб юборгудек эди. Шунга қарамай, Ҳабиб Муҳамедович кўз олдида ўзимни далил ушлаб, ҳеч нарса бўлмагандек лабимдан табассум аримаслиги зарур эди. Гўё мен артисту палатамиз «саҳнаси»да роль ўйнашим шарт эди.

Домлани кўргани, хабар олгани келган кишилар шунчалик кўп эдики, уларни кутиб ололмасдим. Ҳадича Сулаймонова, Ғани Мавлонов, Мирзаали Валиевич, Константин Архипович, Мажид Иўлдошевич, шогирдлари, ҳамкасблари бир кунда неча маротаба, айниқса, кечқурунлари келиб ғамимизга шерик бўлишарди. Бу орада Москвадан профессор ҳам келди, бироқ у ҳам ҳеч нарса қилолмади.

Ҳабиб Муҳамедовичнинг оғирлашиб қолганликларини профессорларнинг консилиуми бўлиб турарди. Аммо нафи сезилмасди. Улар ҳам кўз олдиларида ҳалок бўлаётган инсонга ёрдам беришга ожизлик қилишаётганликларидан жуда ташвишда. Бемор олдида тиббиёт илми кучсизлик қиларди.

Ҳабиб Муҳамедовичнинг қон босимлари жуда баланд, иштаҳалари йўқ. Лекин ўзлари тетик, зийрак. Аҳволларининг оқибати нима билан тугашини билсалар-да, аммо уни ҳеч кимга, ҳатто даволаётган врачларга ҳам сездирмасликка ҳаракат қилардилар. Менга эса инчунун. Мутахассисларнинг маслаҳати ва менинг илтимосимга кўра, Москвага олиб бориб, кўрсатишга қарор қилдик. Бахтга қарши Ҳабиб Муҳамедовичнинг касаллари оғирлашиб қолиб, Москвага боришга рози бўлмадилар.

Еттинчи июндан саккизинчи июнга ўтар кечаси яна юрак хасталиги хуружи бўлди...

Кунлар қандай ўтаётганини билмасдим. Бошимга тушаётган ғам-андуҳлар елкамдан босиб, ер қаърига киргизиб юборгудек эди. Шунга қарамай, Ҳабиб Муҳамедович кўз олдида ўзимни далил ушлаб, ҳеч нарса бўлмагандек лабимдан табассум аримаслиги зарур эди. Гўё мен артисту палатамиз «саҳнаси»да роль ўйнашим шарт эди.

Домлани кўргани, хабар олгани келган кишилар шунчалик кўп эдики, уларни кутиб ололмасдим. Ҳадича Сулаймонова, Ғани Мавлонов, Мирзаали Валиевич, Константин Архипович, Мажид Иўлдошевич, шогирдлари, ҳамкасблари бир кунда неча маротаба, айниқса, кечқурунлари келиб ғамимизга шерик бўлишарди. Бу орада Москвадан профессор ҳам келди, бироқ у ҳам ҳеч нарса қилолмади.

Ҳабиб Муҳамедовичнинг оғирлашиб қолганликларини эшитиб, у кишини кўргани Усмон Юсупов келдилар. Икки улуғ зотнинг учрашувларини ёзиш учун ожизлик қиламан. Бу шунчалар таъсирли эдики, юраги тошдан бўлган киши ҳам кўз ёши қилмай туролмасди. Усмон Юсупов палатага киришлари билан йиғлаб, Ҳабиб Муҳамедовични қучоғига босди. У киши ҳам ўзларини тутолмадилар. Усмон Юсупович ярим соатлар чамаси гаплашиб ўтирдилар. Лекин уларнинг бир оғиз сўзи ҳам қулоғимга кирмади. Энг даҳшатлиси шунда эдики, сабр-қаноатли, иродали Ҳабиб Муҳамедовичдек инсон ўзининг сўнгги кунлари ўтаётганини билар, шу боисдан ҳамма яқинлари билан розиризолик тилашар, видолашарди. Ахир, бундан ҳам оғири бўладими? Оналари билан ҳам шу зайл «гаплашиб» олдилар.

Ўн иккинчи июнь эрталаб Ҳабиб акам «Пўлатжонни чақиринг» дедилар ва учала болалари билан алоҳида-алоҳида видолашиб, васият қилдилар. Бунга чидаш оғир эди. Ўлимлари олдидан менга қилган васиятлари ҳали-ҳали қулоғим остида эшитилади.

— Азизим, Фотимахон, хотиржам бўлишимни истасангиз гапиришга рухсат этинг. Тузалиб кетсам кулиб юрармиз, акси бўлса ҳали танамда жоним бўлиб, юрагим уриб турар экан, сиз ва болалар ҳақида ўйлашни, мен бўлмай қолсам нималар қилиш ва қандай яшаш ҳақида гапиришни ўз бурчим деб биламан. Йигирма икки йиллик ҳаётимиз даврида сизни кўп синовдан ўтказдим. Бу атайлаб эмас. Сизнинг иродангиз, ақлингиз эркаклар иродаси ва ақлидир. Тақдирнинг сизни менга қовуштиганидан миннатдорман. Сиз доимо ўйда тинчлик, осойишталик, хотиржамлик бўлишига ҳаракат қилдингиз. Дўстларимиз бир-биримизга бўлган муносабатимизни кўриб «Сизларникига дам олгани келамиз, чунки ўрталарингиздаги муносабат самимийлиги билан роҳатбахш этади, сиз энг бахтли эркаксиз», дейишарди. Мен умримнинг охиригача сизни бахтли қиламан деб, ғам-ғуссага қолдириб кетяпман. На чора, инсон сабр-қаноатли бўлиши лозим. Энди яна бир гап. Бизни билганлар миллионер деб ҳисоблашади. Ваҳолонки... Сиз мендан кейин боғни сотинг. Болаларни оёққа турғазинг. Улар отаси йўқлигини сезмасинлар. Бир касбнинг эгаси бўлишгач, ўзларини эплаб кетишади. Мен сиздан бир эмас, минг маротаба розиман. Болалар бахтига саломат бўлинг. Сизга табиат катта куч берсин. Фарзандларимизни тарбиялаб, вояга етказиб, мен кўрмаганларни сиз кўринг, бошқа тилагим йўқ...

Мен лол эдим, фақат ғомжум йиғлардим.

18—19 июнда «ўчадиган чироқ ёниб ўчади» деганларидек, Ҳабиб Муҳамедович озгина тамадди қилдилар. Бир-икки ҳамкасблари билан суҳбатлашдилар. Аммо йигирманчи июнь тонгини қаршилаш насиб этмади. Қимматлигим, Ҳабиб Муҳамедовичнинг буюк юраги хамирдан қил суғургандек эрта соат еттида уришдан тўхтади...

Ҳабиб Абдуллаев ва Абдулла Қаҳҳор 1962 йили май ойида тушган сурати.

(Давоми бор)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ДАРВОЗАГА ОСИЛГАН ҚАМЧИ»

Шу сарлавҳа остида эълон қилинган газета мухбири Н. Наимовнинг мақоласида ишимиздаги камчилик ва нуқсонлар тўғри танқид қилинган, деб тан олади **Бухоро давлат бадиий меъморчилик музей-қўриқхонаси директори Р. Альмеев таҳрир ҳайъати номига йўллаган жавоб мактубида.** Дарҳақиқат, музей ўтмишимиздаги воқеа-ҳодисаларнинг мангу қотиб қолган манбаига айланмаслиги лозим. Музей ташкил этилгандан буён унинг экспозициялари мунтазам янгиланиб турилган, айрим ҳолларда эса тўла алмаштирилган. Бироқ кейинги ўн йил мобайнида бу соҳада ўзгариш қилинмай, ундаги ашёлар эскирган мафкуравий тушунчаларни тарғиб қилар эди.

Мазкур мақола ҳали эълон қилинмай туриб, 1991 йилнинг охирида музей илмий ходимлари айрим мавзуларни ёритиш тартиби режаларини ишлаб чиқишга киришган эдилар. Бу давр мобайнида музей филиаллари сони учтадан тўрттага етди. Натижада айрим мавзулар филиалларда кенг ёритилиб, асосий музейда улардан воз кечиш имконияти туғилди. Жумладан, «Сомонийлар даврининг фан ва маданияти» мавзуи Афшона посёлкасида очилган Ибн Сино музейида деярли икки зални эгаллади. «Ўзбекистон археологияси ва унинг Бухоро воҳаси тарихини ўрганишдаги аҳамияти» мавзуи эса бундан икки йил муқаддам Иброҳим Охунд мадрасасида очилган «Қадимий Вараҳшоҳ» музейида яхши кўрсатилган.

Шуларни назарда тутиб, музей ижодий жамоаси мақолада билдирилган танқидий фикр-мулоҳазаларга таяниб, музейнинг тарих бўлимида мафкуравий мақсадларни кўзлаб қўйилган ашёлардан воз кечди. Уларнинг ўрнида бошқа мавзуларни кенгроқ ёритиш имконияти туғилди. Жумладан, Бухоро амирлигида меъморлик ва шаҳарсозлик санъати мавзуига кенг ўрин берилди. асосий эътибор шаҳардаги маҳаллалар ва хонадонлар тузилиши, бадиий безатилиши, ёғоч ўймакорлиги санъати кенг намойиш этилишига қаратилди. Шунингдек, ганч ўймакорлик санъати, кошинкорлик маҳоратини ифода этувчи ашёларга ҳам салмоқли ўрин ажратилди.

Айни маҳалда Бухоро амирлигида маориф ва маданият мавзуини ёритиш бўйича ишлар режалаштирилмоқда. Бухоронинг етук олимлари ва донишмандлари ҳаёти, ижодига кенг ўрин бериш мақсадида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Газетада босилган мақола бу режаларимизни тезроқ амалга ошириш учун яхши туртки бўлди. Шу билан бирга, айрим ҳал қилинмаётган муаммолар йўлимизда тўғаноқ бўляпти. Узоқ йиллардан буён музей учун алоҳида бино қурилиши масаласи раҳбарият олдига қўйилаётган бўлса-да, бундай ижобий натижа чиқмаяпти. Чинданам Бухоро амирларининг саройи тарих ва ўлкашунослик музейи учун мақбул бўлишга лойиқ жой эмас. Аркнинг ўзи алоҳида бир музей бўлишга лойиқ. Бунинг устига Аркдаги биноларда иссиқлик ускуналари йўқ, ундаги меъморчилик обидаларини таъмирлаш, музей учун стенд ва витриналар харид қилишга маблағ етишмаяпти. Барча маданият муассасалари сингари музей-қўриқхона ҳам бозор иқтисодиётига кўчиш жараёнида катта моддий қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Вилоят марказидаги туристларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар музей қўриқхонадаги ёдгорликларни таъмирлашга маблағ ажратмаяпти. Ваҳолонки, хорижий сайёҳларнинг қадимий шаҳардаги меъморчилик дурдоналарига қизиқишидан фойдаланиб яхши даромадни қўлга киритишмоқда...

● ТАҲРИР ҲАЙЪАТИДАН: дарҳақиқат тарих ва меъморчилик санъати тарғиботи фаолиятининг мезонини ташкил қиладиган сайёҳлик корхоналари нега „музей-қўриқхонани моддий қўллаб-қувватлашмаяпти? Газета бу масалага биринчи марта мурожаат этаётгани йўқ. Уйлаймизки, Президент Фармони билан «Ўзбектуризм» миллий компанияси тузилган экан, эндиликда бу нарсага тегишли эътибор берилади. Зеро, тарихий, меъморчилик ёдгорликларини экскурсиялар учун таъмир этиш компаниянинг бош вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Мақолада акс эттирилмаган яна бир муаммо Бухоро амирининг ёзги саройи бўлган Ситораи Моҳи хоссага тааллуқлидир. 1937 йилдан буён сарой бинолари санаторий ихтиёрига берилиб, ўтган ярим асрдан зиёд муддат ичида анча емирилди, сарой ёнидаги боғ пайҳон қилинди. 1986 йилда саройнинг бир қисми музей ихтиёрига қайтарилиб, бу ерда катта ҳажмдаги таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Айни маҳалда вилоят ҳокимининг фармойиши билан боғ тўла равишда музей — қўриқхона ихтиёрига ўтказилди. Эндиликда ундаги ўсимлик дунёсини қайта тиклаш, боғи бундан етмиш йил муқаддам бўлган ҳолатига қайтариш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги минтақада ягона сақланиб қолган ўтмиш ҳукмдорлари боғ-саройининг аҳамияти, сайёҳларнинг унга қизиқишини эътиборга олиб, уни таъмирлаш ишига моддий ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

БУТУН МАҲАЛЛА СУД ҚИЛДИ

Мазкур суд мажлиси Гулистондаги «Нуроний» чойхонасида ўтказилди. Унда шаҳар халқ судьяси У. Расулов раислик қилди, суд ишида тўпланганларнинг ҳаммаси қатнашди.

Шу маҳаллада яшайдиган иккита ёш йигит — Соли билан Шодиёр суд олдида жавоб бердилар. Уларни бу ерда ҳамма биларди, аммо афсуски яхши томондан эмас, ёмон томондан билар эди. Уларнинг кўпдан-кўп безорилик қилишлари ҳамманинг жонига тегди. Ҳалол меҳнат қилишни исташмади. Ичкиликбозлик, ундан кейин муштумзўрлик қилиш, марказий бозорда, кўчада жамоат тартибини бузиш уларнинг севимли «машғулоти»га айланиб қолди.

Ниҳоят, аввало оқсоқолларнинг сабр косаси тўлди. Хусусан улар намунали суд ўтказишни қатъий талаб қилдилар. Энг ҳурматли кишилар судда жамоатчилик қораловчиси бўлиб сўзга чиқишди.

Гарчи Соли билан Шодиёр суд мажлисига дастлабки қамоқ камерасидан тўппа-тўғри олиб келинган бўлсалар-да, жонажон маҳалла чойхонаси ўша куни уларга жуда файзсиз бўлиб кўринди. Улар ўзларининг номуносиб ҳулқ-атворлари учун йиғилганлардан сидқидилдан кечирим сўрадилар.

(ЎзА мухбири).

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 1992 йил 13 август сонида эълон қилинган «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасидаги биринчи абзац қуйидагича тузатиб ўқилсин: «Қийматли қоғозлар, валюта, кўчмас мулк, интеллектуал мулк, ресурслар билан савдо операциялари бажариш биржа фаолияти қатнашчилари томонидан лицензиялар асосида амалга оширилади».

Газетамизнинг шу йил 14 август сонида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси 2-банди қуйидагича тузатиб ўқилсин: Илмий-тадқиқот муассасалари, ўқув юртлари ва ўзга қишлоқ хўжалик муассасаларига, қишлоқ хўжалик техника билим юртлари ва умумтаълим мактабларига берилган, шунингдек, саноат, транспорт ва ўзга корхоналар, (давоми мати бўйича ўқилади).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

«ДИАЛОГ» ФИРМАСИ

БОЗОР БАҲОСИДАН АРЗОН НАРХДА ҚУЙИДАГИ АССОРТИМЕНТДАГИ МЕТАЛЛ ПРОКАТЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ

ТАШКИЛ ЭТАДИ

Совуқ ишловдан ўтган, қалинлиги 0,5 дан 3 миллиметргача бўлган пўлат тунукаси.

30 дан 50 гача бўлган уголок.

12; 14; 16 ли швеллер.

Манфаатдор ташкилотларни қуйидаги манзилгоҳга мурожаат этишларини сўраймиз: 700135, Тошкент шаҳри, Чилонзор Ц-мавзеси, Қатортол кўчаси, 28-уй.

Мулоқот учун телефонлар: 76-47-04, 76-54-22.

«ТУРКИСТОН—I» КИЧИК КОРХОНАСИ

ХИТОЙ РЕСПУБЛИКАСИГА ТУРИСТИК САЁҲАТ УЮШТИРАДИ

Саёҳат нархи бошқа ташкилотлар уюштирган сафарлардан арзон ва қулай.

Саёҳатчилар Хитойнинг Урумчи, Қашқар ва бошқа шаҳарларида бўлиб бу буюк халқнинг маданияти, иқтисоди, тижорати билан таништадилар.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ 700032, Тошкент шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, 2а-уй, «Туркистон» кичик корхонаси.

ТЕЛЕФОНЛАР: 62-09-42, 62-13-62.
ФАКС: 44-26-03.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент шаҳар Яккасарой район «Она» жамияти жамоаси жамият раҳбари Н. К. Тошпўлатовага укаси

Ҳакимжон ТОШМЕТОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва касаба уюшмаси ташкилоти Ўсимликшунослик кафедрасининг катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди

Моҳира Ёқубовна РАЖАБОВАнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳуманинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради, таъзия изҳор қилади.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● Савдо: Эски ҳаммом, Эски тос
● Қўйлар... қувғунда?!
● Ким сайлаб қўйганини унутманг

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.



БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, ҳоветлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноати—33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида —3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 33-44-51, Урганчда— 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана»)—общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи—64583.
Буюртма № Г—281.
№ 161.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 32

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.